

**АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАБАЕВА ЗАМИРА АХМЕДОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЭКОЛОГИК ТЕРМИНЛАР**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

УДК: 811.512.133'373:574.

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Джурабаева Замира Ахмедовна**  
Ўзбек тилида экологик терминлар.....5

**Джурабаева Замира Ахмедовна**  
Экологические термины на узбекском языке.....23

**Djurabayeva Zamira Ahmedovna**  
Ecological terms in Uzbek language..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of published works .....47

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК  
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУРАБАЕВА ЗАМИРА АХМЕДОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА ЭКОЛОГИК ТЕРМИНЛАР**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Fil384 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Искандарова Шарифа Мадалиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Юлдашев Иброҳим Жураевич**  
филология фанлари доктори, профессор

**Мадвалиев Абдуваҳоб Патахович**  
филология фанлари номзоди, катта илмий ходим

**Етақчи ташкилот:** **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 246-63-58; fax: (99871) 246-53-11; e-mail: [tdutau\\_nazorat@edu.uz](mailto:tdutau_nazorat@edu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 246-63-58.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.С.Сирожиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

**Ё.Р.Одилов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, филол.ф.д.

**Н.М.Маҳмудов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида XX аср охири ва XXI аср бошларида инсон ва табиат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг интегратив хусусиятларини ўрганишга эътибор кучайди. Лингвистика билан бошқа фанлар оралигида психолингвистика, этнолингвистика, менталингвистика, компьютер лингвистикаси, гендер лингвистикаси, биолингвистика сингари оралик фанлар пайдо бўлди. Улар қаторида шаклланган ва қисқа фурсатда ўз ичига минглаб сўз ва тушунчаларни камраб олган шундай фанлардан бирини эколлингвистика ташкил этади.

Дунё тилшунослигининг янги йўналиши сифатида эколлингвистика ўзининг муқим тадқиқот объекти ва предметига эга бўлди, кишилар онгидаги экологик тушунчалар, экологияга оид билимлар ва экологик маданиятни ифодаловчи алоҳида луғавий қатлам сифатида у тилда ўз ўрни ва нуфузини топди. Ҳар бир миллий тилда экологияга алоқадор терминларнинг хазинаси юзага келди. Бугун эколлингвистика доирасида экология ва тилшуносликка оид умумий масалаларни ўрганиш, у ёки бу тилдаги сўз ва ибораларни соф ҳолда сақлаб қолиш, тилдан тўғри фойдаланиш йўллариини излаш, эколлингвистик терминларни тартибга солиш каби масалаларга эътибор қаратилмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг барча фанлар қатори ўзбек тилшунослигида ҳам янги йўналишлар вужудга келди, она тилимизнинг туркона табиатини аниқлашга эътибор кучайди. Ўзбек тилидаги табиат, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, уларни муҳофаза қилишга алоқадор лексик бирликларни, яъни экологик терминларни деривацион, лексик-семантик, функционал-услубий ва грамматик жиҳатдан ўрганиш зарурлиги маълум бўлди. «Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир»<sup>1</sup>. Мазкур салоҳиятнинг ўзига хос инъикосларидан бири сифатида юзага келган экологик терминлар устида кенг кўламда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш эса ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экологик ҳаракат фаолиятининг йўлга қўйилиши билан боғлиқ меъёрий-

<sup>1</sup>Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 13.

хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё тилшунослигида эколингвистика соҳасида олиб борилаётган изланишлар тўртта йўналишда бажарилмоқда: 1. Эколингвистика (*Eco linguistics*) – экология ва лингвистикага оид умумий масалаларни ўрганиш. 2. Тил экологияси (*Ecology of languages*) – муайян тилдаги лексик бирликларни соф ҳолда сақлаб қолиш ва улардан тўғри фойдаланиш масалаларини тадқиқ этиш. 3. Экологик лингвистика (*Ecological linguistics*) – экологияга оид терминларнинг лисоний хусусиятларини аниқлаш. 4. Лингвистик экология (*Language ecology*) – тилшунослик ва экология ўртасидаги алоқаларни текшириш<sup>1</sup>.

Экологик лингвистика бўйича дастлабки фикр-мулоҳазалар ва эколингвистика тушунчаси 1972 йили Э. Хауген томонидан эълон қилинди<sup>2</sup>.

1990 йилда эса М.Хэллдейнинг тил экологиясига бағишланган тадқиқоти чоп этилди<sup>3</sup>. Мазкур тадқиқотлар натижасида эколингвистика фани аста-секин ривож топди. У. Маккей, А.Филль, П.Финке, Л.Ж.Кальве, В.Трампе, И.Шторк, М.Дёринг, П.Мюльхойслер каби тадқиқотчилар томонидан эколингвистика макроэколингвистика ва микроэколингвистика йўналишларига ажратилди. Биринчи йўналишда глоттоназия, тил геноциди, тиллараро келишмовчиликлар, тил сиёсати ва тилларни режалаштириш масалалари атрофлича ўрганила бошланди. Кейингисида эса тил ва нутқ масаласи социолингвистик, психолингвистик, антропоцентрик аспектларда тадқиқ этилди.<sup>4</sup>

А.П.Сковородников, В.П.Григорьева, С.И.Виноградова, В.В.Колесова, Ю.Н.Караулов, В.К.Журавлев, В.Г.Костомаров сингари рус олимлари томонидан эколингвистикага оид жиддий тадқиқотлар амалга оширилди, эколингвистик концепциялар яратилди<sup>5</sup>. Масалан, И.Г.Гусева балиқчилик саноати билан боғлиқ экология терминларини когнитив-дискурсив жиҳатдан

<sup>1</sup> Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Иванова Е.В. Цели, задачи и проблемы эколингвистики. Прагматический аспект коммуникативной лингвистики и стилистики // Сборник научных трудов Е.В.Иванова. Челябинск: Изд-во ИИУМЦ. – Образование, 2007. – С. 41-47.

<sup>2</sup> Haugen E. The Ecology of Language// Haugen E. The Ecology of Language:essaus by Einar Haugen/Selested and Introduced by Anvar S.Dil.Stanford, Californiya: Stanford University Press, 1972.

<sup>3</sup> Halliday M. Current Ideas in Sustemic Praktike and Theory. London: Pinter, 1991.

<sup>4</sup> Кислицына Н.Н. Эколингвистика – новое направление в языкознании. – <http://www.crimea.edu/tni/cultute37/patt/zip/rislitsina.zip>.

<sup>5</sup> Бу ҳақда қаранг: Полутухин А.А. Современное языкознание и экологическое мышление // Опыты – 2008: Сборник научных работ преподавателей и студентов факультета филологии: научное издание // Сост. Н.М.Димитрова. – СПб.:РИО ГПА, 2009. – С. 65-73.

тадқиқ этди<sup>1</sup>; И.В.Верегитина экологик билимларни ифодаловчи терминларни деривацион-семантик аспектда ўрганди<sup>2</sup>; Н.Н.Крючкова рус ва немис тилларида экотерминларнинг лексик-семантик ясалиши ва структур белгилари бўйича тадқиқотлар олиб борди<sup>3</sup>; М.А.Ковязина экология бўйича икки тилли тезаурус-луғат тузишнинг функционал моделлари устида тадқиқотлар ўтказди<sup>4</sup>; В.В.Колошьян француз тилидаги экологияга оид публицистик матнларнинг лексик-стилистик жиҳатларини ишлаб чиқди<sup>5</sup>; Е.М.Горохова инглиз ва рус тиллари мисолида экологик терминлар тизимининг шаклланишини очиб берди<sup>6</sup>; Н.Н.Жабо француз ва рус тилларида экологик терминлар системасининг тузилиши, семантикаси ва таржима хусусиятлари билан боғлиқ масалалар устида изланиш олиб борди<sup>7</sup>. Шунингдек, Л.А.Брусенская ва Э.Г.Куликоваларнинг экологик лексиканинг долзарб муаммоларига бағишлаган «Экологик лингвистика» китоби чоп этилди<sup>8</sup>.

Туркологияда ҳам эколлингвистикага доир бир қатор эътиборга молик ишлар бажарилди. Жумладан, Г.А.Галиева «Ҳозирги татар тилида экологик лексика» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди<sup>9</sup>.

Ўзбек тилшунослигида экологик қатлам бўйича монографик планда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган бўлса-да, мазкур йўналишда А.К.Боровков, С.Саҳобиддинов, Б.Ўринбоев, К.Мелиев, Ю.Эшонқулов, Қ.Зокиров ва Ҳ.Жамолхонов, О.Қурбонов, Т.Нуъмонов, Т.Ўринов, Т.Хўжамбердиев, М.Бўронов, М.Сапаров, З.Мирхолиқов, С.Усмонов, Г.Ҳ.Неъматова, Н.Қозоқова каби тадқиқотчилар томонидан фитонимлар ва зоонимларнинг тарихий-этимологик, грамматик хусусиятлари, тузилишига кўра турлари, диалектал кўринишлари бўйича илмий изланишлари мавжуд<sup>10</sup>.

Экологик терминларга ўзбек тилшунослигида илк бор Х.Д.Палуанованинг докторлик ишида жиддий эътибор қаратилди. Муаллиф ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларидаги экологияга оид терминларни қиёсий

<sup>1</sup> Гусева И.Г. Когнитивно-дискурсивный анализ межотраслевой экологической терминологии в области рыбного промысла: Автореферат дисс. ... канд. филол.наук. – Калининград, 2004.

<sup>2</sup> Верегитина И.В. Терминология системного комплекса научных экологических знаний: деривационно-семантический аспект: Автореферат дисс. ... канд. филол.наук. – Краснодарь, 2006.

<sup>3</sup> Крючкова Н.Н. Лексико-семантическое словообразование и структурные особенности экотерминов в русском и немецком языках: Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2006.

<sup>4</sup> Ковязина М.А. Функциональная модель двуязычного экологического словаря-тезауруса: Автореферат дисс. ... канд. филол.наук. – Тюмень, 2006.

<sup>5</sup> Колошьян В.В. Лексико-стилистическая характеристика французских публицистических текстов экологической тематики: Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2007.

<sup>6</sup> Горохова Е.М. Особенности становления терминосистемы “экология почвы” в английском и русском языках: Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2007.

<sup>7</sup> Жабо Н.Н. Экотерминосистема французского и русского языков: структура, семантика, особенности и способы перевода: Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2015.

<sup>8</sup> Брусенская Л.А., Куликова Э.Г. Экологическая лингвистика. – М.: Флинта: Наука, 2016. – С. 184.

<sup>9</sup> Галиева Э.А. Экологическая лексика в современном татарском языке: Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Казань, 2005.

<sup>10</sup> Булар ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун ушбу диссертациянинг 1-боб 6- ва 7-фаслларида қаранг.

аспектда ўрганди ва уларнинг деривацион-семантик хусусиятларини очиб берди<sup>1</sup>.

Н.З. Пазлиддинованинг тадқиқотида ўзбек тили фитонимлари тизимига номинация назарияси нуқтаи назаридан баҳо берилди, фитонимларнинг номланишидаги мотивациялар тадқиқ этилган<sup>2</sup>.

Юқорида тилга олинган илмий-тадқиқот ишлари экология соҳасида қадим ва бой манбаларга, ранг-баранг тил материалларига эга бўлган ўзбек тилшунослиги учун етарли эмас. Бугунги кунда замонавий илм-фанда экология юзлаб бўлим ва йўналишларни ўз ичига қамраб олган комплекс фанлардан бири сифатида гавдаланмоқда ва уларнинг камида ўттиздан ортиғи оралиқ фанлардир<sup>3</sup>. Шунга асосланадиган бўлсак, экологик терминлар устида монографик тадқиқотлар олиб бориш, терминларни меъёрлаштириш, шу соҳа луғатларини тузиш ўзбек тилшунослигининг истиқболли йўналишларидан бири эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Андижон ва Фарғона давлат университетлари ўзбек тилшунослиги кафедраларининг «Ўзбек тилининг системавий тадқиқи» режаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқот мақсади** экология фанига оид терминларни тўплаш, уларнинг лексик-семантик гуруҳлари, парадигматик муносабатлари ва тузилишига кўра турларини аниқлаш, халқаро экотермин ва терминоэлементларнинг қатламдаги ўрнини белгилаш, экологик терминларни тартибга солиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эколингвистиканинг ўрганиш объектини белгилаш ва унинг истиқболли йўналиш эканлигини асослаш;

экологик терминларнинг умумий ва алоҳида белгиларига кўра муайян парадигмаларга бирлашиш қонуниятларини очиб бериш;

экологик қатламнинг ядро ва периферия қисмлари, улар ўртасидаги муносабатларни ишлаб чиқиш;

экологик терминларнинг функционал-услубий хусусиятларини аниқлаш;

экологик терминлар ўртасидаги синонимик, гипонимик, партонимик, градуонимик ва антонимик муносабатларни баҳолаш;

экологик терминларнинг тузилиш турларини аниқлаш;

экологик терминлар тизимида халқаро терминлар ва терминоэлементларнинг тутган ўрнини очиб бериш;

экологик терминларни тартибга солиш муаммолари ва уларнинг ечимлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

<sup>1</sup> Палуанова Х.Д. Экологик терминларнинг деривацион-семантик хусусиятлари (ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тиллари мисолида): Филол. фанлари д-ри дисс. – Тошкент, 2016; Ўша муаллиф. Экология терминларининг деривацион таснифи. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2016.

<sup>2</sup> Пазлиддинова Н.З. Ўзбек тилида фитонимларнинг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореферати. – Фарғона, 2018. – Б. 8-21.

<sup>3</sup> Ковязина М.А. Экология: наука и терминология // Языки профессиональной коммуникации: материалы международной научной конференции. – Челябинск, 21-22 октября 2003 г. – С. 116-121.



**Тадқиқотнинг объекти** сифатида экологияга оид терминларнинг лексик-семантик, деривацион, парадигматик ва тузилишига кўра турларини аниқлаш танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тилидаги атроф-муҳит, ер, сув, об-ҳавони табиий ҳолда сақлаш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларга инсонларнинг ижобий ва салбий муносабатларини кўрсатиш билан боғлиқ лексик бирликлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация тадқиқотини амалга оширишда систем-структур метод ва унинг таркибий қисмлари саналган зидлаш (оппозиция), тавсифлаш, қиёслаш, компонент (семик) таҳлил ҳамда статистик усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилшунослигида эколингвистика фанининг асосий йўналишлари ва кейинги тараққиёт йўллари белгилаб берилган;

экологик терминларнинг ўзбек тилидаги лексик-семантик парадигмалари аниқланган;

экологик терминлар ўртасидаги синонимик, гипер-гипонимик, партонимик, градуонимик ва антонимик муносабатлар очиб берилган;

экологик терминларнинг тузилишига кўра турлари аниқланган, уларнинг функционал-услубий хусусиятларига баҳо берилган;

экологик терминлар системасида халқаро терминлар ва терминоэлементларнинг тутган ўрни асослаб берилган;

ўзбек тилида турли шаклларда қўлланилаётган экологик терминларни тартибга солиш, улардан тўғри фойдаланиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

экологик терминларнинг лексик-семантик гуруҳлари, парадигматик муносабатлари ва тузилишига кўра турларининг аниқланиши ўзбек тилшунослиги, асосан, лексикология бўлимини янги илмий маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади;

экологик терминларни тартибга солиш масалалари юзасидан илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

экологик терминлар юзасидан тўпланган материаллар экология фани бўйича яратилаётган дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва илмий-оммабоп нашрларда терминларни тўғри қўллашда, экологик терминларнинг изоҳли луғатини тузишда манба вазифасини ўташи очиб берилди;

экологик терминларнинг аҳоли экологик онги, экологик билимлари ва экологик маданиятини ошириш учун хизмат қилиши изоҳланди;

«Эколингвистика», «Тил экологияси», «Зоонимлар», «Фитонимлар», «Табиатшунослик», «Ижтимоий экология», «Терминология» каби махсус курсларни ташкил этиш ва ўқитишда диссертация материалларидан унумли фойдаланиш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** экологик қатламнинг тилшуносликдаги янги замонавий йўналиш сифатида тадқиқ этилганлиги,

назарий маълумотларни баён этишда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, хулосаларнинг систем-структур таҳлил методлари орқали асослаб берилганлиги, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, мавзунинг жаҳон ва ўзбек тилшунослигининг энг сўнгги ютуқлари асосида ўрганилганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижалари илмий аҳамияти ўзбек тили терминологиясининг систем-структур, функционал-услубий ва лексик-семантик хусусиятларини бойитишга, унинг шаклланиш ва тараққиёт босқичларини кўрсатишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эколингвистикага оид дарслик, ўқув қўлланмаларини яратишда, турли йўналишдаги луғатлар тузишда фойдаланиш мумкинлиги, аҳолининг экологик онги, экологик билими ва экологик маданиятини ривожлантириш бўйича тарғибот-ташвиқот олиб боришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек тилидаги экологик терминларни ўрганиш асосида:

*экологик пирамида, экобоғ, экобозор, экомаҳсулот, чўлланиш, саҳроланиш, ёнлама эрозия* каби сўз ва терминлардан; *ер мағзи – мантия, ер қобиги – педосфера, тупроқ генерацияси – тупроқнинг пайдо бўлиши, гумид – сернам, арид – қургоқчил, оқ парпи – Талас парписи, қоқи ўт – момақаймоқ, Фарғона лоласи – жавғазала, Грейс лоласи – қизил лола, чиройшакл бериш – формовка* каби терминларнинг изоҳларидан, диссертациянинг илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи фаолиятида фойдаланилган. Шунингдек, илмий изланиш натижалари ва диссертациянинг илмий хулосалари «Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш Концепцияси»ни тайёрлаш жараёнида манба бўлиб хизмат қилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасинининг Спикери ўринбосарининг 2018 йил 14 августдаги 02/4-255-сонли хати ва унга илова қилинган маълумотнома) Натижада Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ва Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан ташкил этилган «Онажоним табиат», «Ўзбекистоннинг ўсимликлар ва ҳайвонот олами», «Сув – бебеҳо неъмат», «Табиатни асраш ҳаммамизнинг бурчимиз» каби суҳбат, маъруза ва диспутларнинг жонли ва таъсирчан чиқиши таъминланган, аҳолининг экологик онги, экологик билимлари ва экологик маданиятини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирлар самарадорлиги ошган;

*зарҳалланган кийикпанжа, учқат, болқурай, суғур ўт, омонқора, мармарак, тулкиқуйруқ, туяқорин, қўнғирбош, эшакмия, ширинмия, девпечак, қизил кандир, чаканда, зозоза, торон, сачратқи, шотара, бобуна, итбурун, бўзоч, эрмон* каби ўсимлик номлари изоҳи ҳамда уларнинг муҳофазаси билан боғлиқ бўлган *дендрофлора, оранжерейя, парваришхона,*

ўсимликлар генетик фонди, селекция, иқлимлаштириш, фитогармон, эмланган ўсимлик сингари терминларнинг функционал-услубий, семантик хусусиятлари бўйича билдирилган хулосалардан А-7-21. «Фарғона водийси шимолий қисми ўсимликлар қопламини трансформацион баҳолаш» мавзусидаги лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 августдаги 89.03.2852-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг терминлар изоҳи қисмининг илмий қиймати ошган ва фанлараро интеграция таъминланган.

диссертацияда келтирилган *экологик танглик, экологик вазият, экологик тахмон, экобурчак, экомаҳсулот, озон қатлами* каби терминлар изоҳи ва тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маданият ва маърифат» телеканали орқали эфирга узатилган «Мезон» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг 2018 йил 3 августдаги 02-16/386-сон маълумотномаси) Натижада аҳолининг экологик онги, экологик билими ва экологик маданиятини ошириш бўйича тайёрланган кўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги ортган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро анжуманларда ва 14 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналда, 8 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экологик терминларнинг лексик-семантик гуруҳлари**» деб номланган биринчи бобининг биринчи фасли «Экологик хосланган (ядровий) ва периферия (чегара)даги терминлар ҳамда уларнинг лингвистик хусусиятлари»га бағишланган.

Ўзбек тилининг лексик системалари бўйича илмий изланишлар олиб борган Х.Неъматов, Р.Расулов, Н.Нишонова, Д.Вокқосова, Х.Ҳожиева, Ф.Сафаров<sup>1</sup> ва бошқаларнинг ишларида лексемаларнинг мазмуний майдони ядро, марказ ва марказдан ташқари (чекка) қисмларга бўлиб юборилган. Ўзбек тилидаги экологик терминлар системасига кирган лексик birlikлар ҳам бундан мустасно эмас. Уларни система ичида тутган ўрнига кўра иккита катта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ: экологик тушунчани ифодалаш учун хосланган ядровий терминлар ҳамда экологик периферия (чегара)даги терминлар. Экологик ядровий терминларда экологик сема марказий сема ҳисобланса, периферия (чегара)даги терминларда экологик сема чегара сема бўлади. Улар ана шу чегара сема билан лексик-семантик парадигмага бирлашади. Экологик ядровий терминлар сирасига *экологик кризис, экологик система, экологик пирамида* каби; периферия (чегара)даги терминлар сирасига *чиқинди, тозалаш, тутун, чанг, ифлосланиш* каби терминлар киради.

Ҳар қандай фанни ўрганиш, ўзлаштириш учун унинг алифбосидан – терминологиясидан хабардорлик зарур бўлади. Маълумки, фаннинг катта-кичик асосий тушунчалари бевосита терминлар орқали ифодаланади, терминлар ҳар қандай фан тилининг асосини ташкил этади<sup>2</sup>. Бундан экология фанига оид терминлар системаси ҳам мустасно эмас. Мазкур терминологик система ўз ичига барча терминларнинг муносабатларини қамраб олади ва унинг доирасига кирган ҳар бир термин шу системанинг узвий бир қисми ҳисобланади<sup>3</sup>. Масалан, *экология* терминига эътибор бериб кўрайлик.

*Экология* сўзи юнонча *oikos* – “ватан, уй” ва *logos* – “фан, таълимот” маъносидаги сўзлардан ташкил топган бўлиб, биргаликда яшайдиган тирик организмларнинг ўзаро ва теварак-атрофдаги муҳит билан муносабатини, шунингдек, олам ва биосфера ўртасидаги муносабат масалаларини ўрганувчи фан номини билдиради<sup>4</sup>. Маълумки, терминологик тизимлар яхлит тил тизимида унинг умумий қонуниятларига бўйсунган ҳолда пайдо бўлади ва ривожланади<sup>5</sup>. Бу гаплар экологияга оид терминологик тизимга ҳам тўла тааллуқлидир. Илм-фан, техника ривожини натижасида мазкур тизим равишда мунтазам бойиб, кенгайиб бормоқда. Ижтимоий экология, умумий экология, хусусий экология, саноат экологияси, биоэкология, геоэкология, космик экология, гидроэкология каби соҳаларнинг ҳар бири ўз ичида юзлаб лексик

<sup>1</sup> Нишонова Н. Ўзбек тилида “хайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлили: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2000; Вокқосова Д. Ўзбек тилидаги анонимларнинг семантик таҳлили: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореферати. – Фарғона, 2005; Ҳожиева Х. Ўзбек тилида ҳурмат майдони ва унинг лингвистик-нутқий хусусиятлари: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореферати. – Самарқанд, 2001; Сафаров Ф. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лингвистик-нутқий хусусиятлари: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореферати. – Самарқанд, 2004.

<sup>2</sup> Маҳмудов Н. Фан тили ва тил фани // Ўзбек тили ва адабиёти, 2013. – № 5. – Б. 5.

<sup>3</sup> Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. –Тошкент: Фан, 2007. – Б. 33.

<sup>4</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.25

<sup>5</sup> Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 28.

бирликларни жамлайди ва экологик терминлар системасининг таркибий қисмлари саналади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Сув билан боғлиқ экологик терминлар» масаласига қаратилган. Сув билан боғлиқ лексик бирликлар ҳозирга қадар тарихий, гидрологик, ирригацион, географик аспектларда жиддий ўрганиб келинган бўлса-да<sup>1</sup>, уларнинг лисоний жиҳатларига ўтган асрнинг охири ва ҳозирда жиддий эътибор берилди бошланди. Жумладан, Л.Данилова<sup>2</sup>, Ҳ.Жабборовнинг тадқиқотларида сув лексемасининг луғавий-маъновий ва грамматик хусусиятларига алоҳида аҳамият қаратилган<sup>3</sup>. Изланишларимиз натижаси шуни тасдиқладики, сув билан боғлиқ терминларнинг семантик тармоқланиши нутқда ўта мураккаб ва кўпқиррали тарзда намоён бўлади. Улар асосан периферия (чегара)даги терминлар саналади ва азалдан бир-бирига параллел бўлган иккита йўналиш: а) табиий тозалик, софлик; б) ифлосланиш, булғаниш, сунъийлик семалари асосида муайян парадигмаларга бирлашади ва ўзида экологик маъно кирраларини намоён этади. Бунга *чўлланиш, саҳроланиш, қургўқчилик* каби сув танқислигини, *сел, тошқин, жала, сурилиш* сингари экологик хавф-хатарни ифодаловчи терминлар мисол қилиб келтирилди. Сув билан боғлиқ терминлар 15 та маъновий гуруҳга бўлиб юборилди ва уларнинг лингвистик хусусиятлари мисоллар орқали ёритиб берилди.

Биринчи бобнинг учинчи фаслида «*Ер (тупроқ)* билан боғлиқ экологик терминлар»нинг лисоний хусусиятлари очиқ берилди. «Табиат ва жамиятда инсон тилидай мураккаб, серқирра, серқатлам, сервазифа, шакл ва мазмун таносибига таранг ҳодиса камдан-кам топилади. Тил дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, рухий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаради»<sup>4</sup>. Бундан ер (тупроқ) билан боғлиқ терминлар ҳам мустасно эмас. Ишда ўзбек тилшунослигида ушбу йўналишда бажарилган Қ.Хуррамов<sup>5</sup> ҳамда И.Исломовларнинг<sup>6</sup> тадқиқотларига танқидий баҳо берилди ва улардан фарқли равишда илк бор *ер (тупроқ)* билан боғлиқ терминларнинг экологик хусусиятларига эътибор қаратилди, уларнинг 18 та лексик-семантик парадигмаси ажратиқ кўрсатилди. Масалан: ер (тупроқ) лексемасининг маънодошларини ифодаловчи периферия (чегара)даги терминлар, ер (тупроқ)нинг сифатини билдирувчи терминлар, ернинг табиий ҳолати билан боғлиқ бўлган терминлар, ернинг шўрланганлиги билан боғлиқ экологик хосланган ядровий терминлар,

<sup>1</sup> Бу ҳақда тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: Файзуллаев Ж., Шокиров А. Суғориш санъати. – Тошкент: Фан, 1990.

<sup>2</sup> Данилова Л.А. Метеорологическая лексика тюркских языков: Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1972.

<sup>3</sup> Жабборов Ҳ. Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари. – Қарши: Насаф, 2005. – Б. 135-140.

<sup>4</sup> Yuldashev I., Sharipova O'. Tilshunoslik asoslari. – Toshkent: Iqtisod-moliya, 2007. – B. 33.

<sup>5</sup> Хуррамов Қ. Узбекские народные географические термины, обозначающие рельеф Южного Узбекистана: Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1984.

<sup>6</sup> Исломов И. Ўзбек тилида рельефонимлар: тизими, структураси ва маъновий муносабатлари: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2012. – Б. 10-13.

ернинг эрозияга учраганлиги билан боғлиқ экологик хосланган ядровий терминлар, ер (тупрок)га экологик таъсир ўтказиш билан боғлиқ нарса ва жараёнларни ифодаловчи терминлар, ерга инсон томонидан ишлов берилиши натижасида пайдо бўлган периферия (чегара)даги терминлар, ернинг деҳқончилик билан боғлиқ бўлган ҳолатларини ифодаловчи терминлар ва ҳ.

Тўртинчи фаслда «Об-ҳаво билан боғлиқ экологик терминлар» таҳлилга тортилди, ўрни билан Д.Вокқосованинг анемонимлар<sup>1</sup> ҳамда А.Алиқуловнинг ел-ёғин маъновий гуруҳи<sup>2</sup> бўйича бажарган илмий ишларига муносабат билдирилди. Об-ҳаво билан боғлиқ терминларнинг 16 та маъновий гуруҳига хос бўлган хусусиятлар ёритиб берилди. Масалан, ҳавонинг ўзгариши билан боғлиқ табиат ҳодисаларини ифодаловчи *ёмғир, қор, қиров, булдуруқ, шудринг, дўл, жала, сел* ва ҳ.к. терминлар таҳлилга тортилди. Биргина «қор»нинг *яшил қор, сариқ қор, қора рангли қор* каби кўринишлари мавжудлиги, мазкур терминлар остида экологик фожеа билан боғлиқ семалар яшириниб ётганлиги изоҳланди, мисоллар келтирилди. 1955 йилда Калифорнияда *яшил қор ёққан*. У хавфли бўлиб, татиб кўрганларнинг ҳаётдан кўз юмганлиги қайд этилади. 1969 йили Швецияда *қора рангли қор* ёғади. Бу экологиянинг қай даражада талофат кўрганидан дарак беради. (sibkray.ru 2001 йил 18 февраль)

Бу фаслда ҳавонинг экологик тозаллиги билан боғлиқ *тозаллик, софлик, мусаффолик, илиқлик, баҳаволик*; ҳавонинг экологик салбий ҳолатларини ифодаловчи *бўғувчанлик, ҳавосизлик, глобал исииш*; ҳавони ифлослантирувчи ҳодисалар ва жараёнлар номини англлатувчи *чанг, тўзон, тутун, дуд, қурум*; ҳавонинг табиий ифлосланиши билан боғлиқ бўлган *ҳавонинг чанг билан ифлосланиши, органик чанг, чанг зарралари*; ҳавонинг маиший чиқиндилар билан ифлосланишига сабаб бўладиган нарсалар ва жараёнларни билдирувчи *ахлат, куйинди, қурум, ис, бижғиш*; ҳавонинг сунъий ифлосланишини англлатувчи *антропоген ифлосланиш, экстремал иқлим, радиация билан ифлосланиш, чанг концентрацияси, смог* (тутун ва туман аралашмаси) каби терминлар батафсил тадқиқ қилинди.

Бешинчи фаслда «Инсон билан боғлиқ экологик терминлар» ҳақида баҳс юритилди. Ўзбек тилшунослигида инсон шахси билан боғлиқ мавзу Д.Ҳ.Бозорова, З.Мираҳмедова, А.Хусановларнинг илмий ишларида ёритиб берилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбек тилшунослигида инсон ва табиат ўртасидаги кўпқиррали муносабатларни ифодаловчи экологик терминлар тадқиқига шу пайтга қадар эътибор қаратилмаган. Диссертацияда илк бор инсон билан боғлиқ экологик терминлар 10 та лексик-семантик парадигмага бўлиб ўрганилди. Ҳар бир парадигма ўз ичида йўналишларга ажратилди. Инсоннинг яшаш жойи, теварак-атрофни ободонлаштириши ва кўкаламзорлаштириши, сув, ер

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Вокқосова Д. Ўзбек тили анемонимларининг семантик таҳлили: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореферати. – Фарғона, 2005. – Б. 9-13.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Алиқулов А. Ел-ёғин луғавий-маъновий гуруҳи (тизими, қўлланилиши ва лексикографик талқини): Филол. фанлари номз. ... дисс. автореферати. –Тошкент, 2011. – Б. 9-15.

(тупрок), об-ҳаво, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига бўлган муносабати ифодаловчи терминлар таҳлилга тортилди.

Олтинчи фаслда «Ҳайвонот билан боғлиқ экологик терминлар» тадқиқ қилинди. Ўзбек тилшунослигидаги ҳайвон номлари билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари З.Мирхолиқов, Т.Ўринов, Т.Хўжамбердиев, С.Усмонов, М.Бўроновлар томонидан бажарилганлиги таъкидланиб, танқидий баҳо берилгач, экологик аҳамиятга эга бўлган лексик бирликлар 14 та лексик-семантик парадигмаларга бўлиб ўрганилди. Масалан: 1. Ҳайвонот билан боғлиқ периферия (чегарада)ги терминлар: *хонгул (Бухоро бугуси), бухоро қўйи, қўнғир айиқ, оқ лайлак, Ўрта Осие тошбақаси, қора калхат, дашт миққийси, илвирс* ва ҳ.к. 2. Қушлар билан боғлиқ периферия (чегарада)ги терминлар: *қиронқора, болтаютар, илонбургут, қорақуш, қора лайлак* ва ҳ.к. 3. Балиқлар билан боғлиқ периферия (чегарада)ги терминлар: *Амударё катта куракбуруни (қилқуйруқ), Амударё кичик куракбуруни, Сирдарё кичик куракбуруни, шохбалиқ* ва ҳ.

Шу тариқа экологик аҳамиятга эга бўлган ҳайвонлар систематикаси, тури ва гуруҳини ифодаловчи, уларнинг муҳофазаси, боқилиши ва кўпайтирилиши билан боғлиқ жараёнларни, ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотлар номлари, ҳайвонларнинг яшаш жойлари, озукаси кабиларни ифодаловчи терминлар тадқиқ этилди ва мисоллар ёрдамида изоҳлаб берилди.

Еттинчи фаслда «Ўсимликлар билан боғлиқ экологик терминлар» ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўсимлик ва дарахт номлари азалдан ўзбек тилшуносларининг эътиборини ўзига тортиб келади. Бу соҳада А.К.Боровков, К.Мусаев, Л.В.Дмитриева, С.Саҳобиддинов, Б.Ўринбоев, К.Мелиев, Ю.Эшонқулов, Қ.Зокиров, Ҳ.Жамолхонов, О.Қурбонов, Т.Нуъмонов, М.Сапаров, Н.Маматов, Н.Қозоқова, Н.З. Пазлиддинова каби тадқиқотчилар самарали изланишлар олиб борган. Улар томонидан дарахт, бута номларининг маънолари, қўлланиши, тарихий-этимологик ва қиёсий хусусиятлари, ясаилиши, лексикографик, номинатив жиҳатлари очиб берилган, бироқ фитонимларнинг экология билан боғлиқ жиҳатларини ёритишга эътибор қаратилмаган. Шунга кўра тадқиқотда экологик аҳамиятга эга бўлган дарахт ва ўсимлик номлари тадқиқ этилди.

Тўпланган материаллар асосида ўсимлик номларининг 10 та лексик-парадигматик қатори аниқланди. Уларда дарахт номлари билан боғлиқ периферия (чегарада)ги терминлар, бута номлари билан боғлиқ периферия (чегарада)ги терминлар, экологик аҳамиятга эга бўлган дарахт ва ўсимликларнинг ўсиши ва тарқалиши ареалларини, кўриниши, шаклини, сифатини, парваришlash ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ жараёнлар ҳамда парвариш қилишга салбий таъсир этувчи ҳолатларни ифодаловчи терминлар изоҳланди. Баъзи бир ўсимлик номларининг нафақат лингвистик, балки тарихий, этнографик маълумот бериши ҳам таъкидланди. Исбот тариқасида *гулбарра, нормуик, қизғиш асрагул, зарҳалланган кийикпанжа, суғурўт, мармарак, анзур пиёз, Пском пиёзи* каби ўсимлик номлари келтирилди.

*Сохта қўшгул лола, Бутков лоласи, сарғиш лола, чипор лола, Фарғона лоласи (жавгаза лола), Грейс лоласи (қизил лола), тарғил лола, Корольков лоласи, Чимён лоласи, Туркистон лоласи* каби номлар мисолида тилимизда ўсимлик номларини билдирувчи минглаб терминларнинг мавжудлиги, уларга нисбатан бефарқлигимиз туфайли бундай лексик бирликлардан кўпининг тилимиздан изсиз йўқолгани кўрсатиб ўтилди, далиллаш мақсадида Бобурнинг қуйидаги гапи эслатилди: «*Бу доманада ранго-ранга ҳар навъ лола бўлур. Бир қатла санаттим, ўттиз икки-ўттиз уч навъ гайри мукаррар лола чиқди. Бир навъ лола бўлурким, андин андақ қизил гул иди келур, лолани гулбўй дер эдук. Дашти Шайхда бир парча ерда бўлур, ўзга ерда бўлмас. Яна ушбу доманада Парвондин қуйироқ садбарг лола бўлур...*»<sup>1</sup>

Диссертациянинг иккинчи боби «**Экологик терминлар ўртасидаги парадигматик муносабатлар**» деб номланган. Экологик терминлар ўртасидаги парадигматик муносабатларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, инсон ўз хотирасида сўзларнинг маънолари билан бирга уларнинг объектив оламда ўз сезги аъзолари орқали хис этган хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам сақлайди. Шу сабабли муайян сўз уни эшитувчи одам хотирасида маълум бир луғавий парадигмаларни пайдо қилади<sup>2</sup> ва улар ассоциатив тарзда бири иккинчисини ёдга туширади<sup>3</sup>.

Экология билан боғлиқ терминологик қатлам ўзбек тилидаги бошқа лексик қатламлар сингари очик система саналади ва унда қуйидаги парадигмалар учрайди: 1.Синонимик муносабат. 2. Гипер-гипонимик муносабат. 3. Партонимик муносабат. 4.Градуонимик муносабат. 5. Антонимик муносабат.

Иккинчи бобнинг биринчи фаслида «Экологик терминлар ўртасидаги синонимик муносабатлар» ҳақида сўз юритилди. Синонимлар экологик терминосистемада энг кўп ва фаол ишлатилувчи лексик бирликлар саналади. Экологик терминосистемага оид лексик бирликлар ўртасидаги муносабатларни белгилашда шаклий ўхшашликка нисбатан маъновий умумийлик, уйғунлик муҳим ўрин тутади. *Тозалик – поклик – мусаффолик – софлик – саранжом-сариишталилик; сунурмоқ – тозаламоқ – ювмоқ – артмоқ* каби лексемаларда тозалик, тартиб, табиий ҳолда сақлаш каби маънолар яшириниб ётган бўлса, *кир – ифлос – исқирт* ва ҳ.к. лексемаларда бунинг акси кўзга ташланади.

Терминлар шартли равишда мутлақ синоним (*экосистема – экотизим, экологик бурчак – экологик тахмон, экологик кризис – экологик бужрон*); диалектал синоним (*ковул – жайрабодринг, чирмовуқ – зарпечак, равоч – чукри, кавул – какра*); маъновий синоним (*чўл, сахро, дашт, биёбон, Сахрои Кабир; сариқчой – гоз ўти; чирмов – хашикпечак*); услубий синоним (*ёронгул – геран, мойчечак – ромашка, тухумак – софора, сабур – алоэ, чиройшакл –*

<sup>1</sup> Бобур Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – Б. 124.

<sup>2</sup> Худойберганова Д. Ўзбек тилида бадий матннинг антропоцентриқ талқини: Филол фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015. – Б. 101.

<sup>3</sup> Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017. – Б.21.



*формовка бериш*)ларга ажратилди. Ҳар бир гуруҳ терминлари бадиий адабиётлардан олинган мисоллар билан асослаб берилди.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «Экологик терминлар ўртасидаги гипер-гипонимик муносабатлар» деб номланди. Ўзбек тилшунослигида гипонимия ҳодисаси бўйича Р.Сафарова, Н.Нишонова, О.Ўринова, Т.Ўринов, З.Мирхалиқов, С.Усмоновларнинг бажарган илмий ишларига танқидий баҳо берилгач, гипонимия ҳодисасининг экологик системада тутган ўрни очиб берилди.

*Эрозия* гипероними мисолида *нормал эрозия* (инсон фаолияти таъсир этмаган, тўхтовсиз, ҳамма жойда кузатиладиган, аста-секин содир бўладиган табиий емирилиш жараёни номи); *сув эрозияси ёки ўзанли эрозия* (сув таъсири натижасида тупроқ емирилиши билан боғлиқ жараён номи); *ирригация эрозияси* (сув таъсирида ер устки қатламининг кучли емирилиши билан боғлиқ ҳолат номи); *шамол эрозияси ёки дефолиация* (шамол таъсирида содир бўладиган тупроқ емирилиши номи) каби гипонимлар тадқиқ этилди. Системадаги гипонимия ҳодисасининг нисбий характерга эга эканлиги кўрсатилди. Маълум жинсларга алоқадор тур, бўлақларга нисбатан бутун бўлган қисм бошқа бутун ёки тур таркибига кириб, бўлақ ёки жинс бўлиши<sup>1</sup> *айиқ* лексемаси орқали кўрсатиб берилди. *Айиқ* – гипероним, *ҳимолай айиғи, Малайзия айиғи, лабдор айиқ, кўзойнакли айиқ, қўнғир айиқ, оқ айиқ, оқ тирноқли қўнғир айиқ, қора айиқ, зор айиғи, гризли, барибал* ва бошқалар – гипоним; *қўнғир айиқ, ўз навбатида, Сибирь қўнғир айиғи, Тибет қўнғир айиғи, Гоби қўнғир айиғи, Европа қўнғир айиғи, Камчатка қўнғир айиғи, Калифорния қўнғир айиғи* каби гипонимлардан ташкил топади.

Шунингдек, *пиёз, илдиз, айиқмурут, арча, тол, аюла, бургут, лочин, кийик* гипер-гипонимик қаторлари таҳлилга тортилди. Юқоридаги экологик мазмунга эга бўлган лексемалар ўртасидаги гипер-гипонимик муносабатлар табиат ва жамиятдаги мураккаб муносабатларни ифодаловчи ўзига хос қатлам экани кўрсатиб ўтилди.

Иккинчи бобнинг учинчи фаслида «Экологик терминлар ўртасидаги партонимик муносабатлар» аниқланди. Партонимик муносабатлар юзасидан тадқиқотлар олиб борган М.В.Никитин, Э.Зносс ишларига муносабат билдирилди.

Партонимия тилдаги холо-меронимик (бутун-бўлақ) муносабатини англлатувчи ҳодиса саналиши ва у тилнинг бошқа сатҳларига нисбатан лексик сатҳда, айниқса, экология билан боғлиқ терминологик системада тўла намоён бўлиши таъкидланиб, *тоғ* бутунноми *дара, чўққи, бел, ёнбағир, тепалик, тизма, ўр, қир, зов, газа* каби қисмном (мероним)ларни ўзида бирлаштириб келиши мисолида экологик терминосистемадаги партонимик муносабатлар очиб берилди. Ўсимликларнинг ҳар бири бутунном сифатида ўз ичида *поя, шох, барг, гул, тикан, томир*, каби ўнлаб қисмномларни бириктириб келиши мисоллар орқали изоҳланди.

<sup>1</sup> Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б.124.

Иккинчи бобнинг тўртинчи фасли «Экологик терминлар ўртасидаги градуонимик муносабатлар» деб номланиб, унда градуонимия ҳодисаси бўйича бажарилган бир қатор ишларга, хусусан, Р.Сафарова, Ш.Орифжонова, О.Бозоров, Ж.Ш.Джумабаеваларнинг тадқиқотларига муносабатлар билдирилди<sup>1</sup>.

